111197




# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1997 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

7 ноябр, № 45 (3520)


## ИНШО — ТАФАККУР МЕЗОНИ

***«Иншо» сўзини ўқир экан, кўпчилик гап мактаб таълими ҳақида деб ўйлар. Йўқ, гап миллий тафаккур тарзимиз ҳақида.***

Нутқни ёзма равишда баён этмоқ — иншо демакдир. Асли, бу ҳам нотиқлик санъатининг бир қирраси — санъат ичра санъатдир. Ёзма нутқ билан шуғулланмаган бирор нотиқни учратиш қийин. Зеро, нотиқларнинг ҳеч бири ёзма нутқини сайқал топтирмасдан чинакам санъаткор даражасига кўтарилмаган бўлса керак. Қадим-қадим замонлардан иншо санъатига жуда катта эътибор берилган. Энг оддий мактублардан тортиб, ҳикоя, қисса, роман, эпопея, ҳатто, мураккаб услубдаги илмий асарларгача — барча ижодий тафаккур маҳсулларининг онаси иншо санъатидир.

Ёзма нутқ билан оғзаки нутқ бир-бирига чамбарчас боғлиқ. Ёзма нутқ билан шуғулланмаган нотиқ нутқининг ривожи суст, сайқал топиши қийин кечади. Унинг, сўз бойлиги ва ифода имкониятлари чекланган бўлади. Иншо машқларида тобланмаган нутқнинг услуб ғализлиги, тафаккур даражаси саёзлиги, суръати секинлиги яққол сезилиб туради. Ёзма нутқ оғзаки нутқнинг равнақ топишига муҳим омил сифатида хизмат қилади. Айни пайтда, оғзаки нутқ ҳам ёзма нутқнинг ривожига ижобий таъсир этади. Нотиқнинг фикру ўйлари, қалб кечинмалари ёзма нутқ жараёнида роса ишланади, пишиб мумтоз даражага етади. Сўнг оғзаки нутқда жамол кўрсатади. Оғзаки нутқ ҳам ижод жараёни. Унда ҳам инсон фавқулодда ноёб фикр-ғояларни, бадиий ифодаларни кашф этади. Уларни сўзлаб юриб, пишитиб, сайқал топтиради ва қиёмини қуйма қилиб ёзма нутқида териб ёзади. Шунинг учун аввалдан мактабларда ёзма иш ва синовнинг асосий турларидан бири сифатида иншо жуда тўғри киритилган.

Умумтаълим мактабларида иншо ёздиришдан асосий мақсад ўқувчиларнинг саводхонлигини ошириш ва уларда билимларини умумлаштиришга кўникма ҳосил қилиш деб қараб келинади. Тўғри, лекин иншо машқларининг мақсад-моҳияти фақат шундангина иборат эмас. Бу вазифаларни диктант, баён сингари бошқа ёзма синов турлари ҳам бажариши мумкин. Иншонинг моҳияти кенгроқ.

Иншо синовлари, аввало, тафаккур машқларидир. Илк фикрлаш иншо машқларидан бошланади. Иншонинг дастлабки моҳияти муайян мавзу доирасида фикр юритиш, мавзу борлиқ — табиат ҳақидами, бирор адабий асар ёки қаҳрамон ёхуд манзара тўғрисидами, барибир, ўша ҳақда эркин фикрлаш ва бор таассуротларини изчил ифодалашдан иборат. Иншо соатлари илҳомбахш ижодий тафаккур соатларидир. Иншо ёзаётганда одам оғзаки гапираётгандагидан кўра сокин ва хотиржам бўлади. Бу унинг шошилмасдан, ҳаяжонланмасдан, чуқурроқ фикрлашига шароит яратиб беради. Оғзаки нутқ сўзлаганда ҳар қандай маҳоратли нотиқ ёзаётганидагидек хотиржамлик билан чуқур ўйлаб фикр юритолмайди. Ёзма нутқ билан муттасил шуғулланадиган нотиқ эса ўйлаб гапиришга одатланиб қолади. Узоқ машқлар натижасида, инсоннинг ёзма тафаккур тарзи билан оғзаки тафаккур тарзи мувофиқлашади.

Иншо ёздиришдан асосий мақсадлардан бири ўқувчиларни мустақил фикрлашга, фикрларини эркин, мантиқий изчилликда, чиройли, саводли тил ва услубда ифодалашга ўргатишдир. Машқлар мобайнида мана шу фазилатларни тарбиялаш орқали ёшларда ёзма иш услуби шакллантирилади. Бу услуб одамда умрбод сақланиб, такомиллашиб боради ва у келажакда қайси соҳа мутахассиси бўлиб етишишидан қатъи назар, нотиқ сифатида камол топади. Қайси нотиқда услуб ғализ, мантиқий тафаккур бўш, саводхонлик ночор, хуснихат чатоқ бўлса, билингки, у ёшлигида иншо машқларини қиёмига етказмаган. Иншо билан шуғулланган нотиқнинг фикри очилиб, тобора равшанлашиб боради. Услуби равонлашиб боради, бирор жойда қадалиб қолмайди. Иншода инсоннинг ишлаш услуби, характери, маънавий қиёфаси шаклланади ва яққол намоён бўлади.

Ҳозир иншо машқларига эътибор камайиб кетди. Иншо синовлари ўрнини тест синовлари эгаллади. Бундан нотиқлик санъати ютқазди. Ҳозир оддий ўқувчию талабадан тортиб раҳбарликка ўқиётган тингловчигача ёзма иш деса, зириллайди. Чунки уларда тайёргарлик — иншо машқлари етарли эмас. Уларнинг аксарияти жумла тузишни билмайди. Жумлалари мантиқан нотугал, мазмунан ғариб, услубан шаклу шамойили таҳрирталаб. Иншо машқини олган нотиқ учун жумла тузиш писанд эмас. Унинг жумлалари қуйилиб келади, сувдай равон оқади. У ёзганда илҳом билан завқланиб ёзади, унинг ёзганларини ўқийдиган киши ҳам ҳузур қилади. Ҳозирги талаба ва тингловчилардан ёзма иш олишга юрак бетламайди. Чунки уларни ўқиш ва текшириш машаққат. Иншо машқида тобланмаган, устоз кўрмаган бу ёшларнинг ёзма ишларида минг бир нуқсон мужассам.

Иншо ҳар бир инсон учун сўз — ифодалар жамғармасини пайдо қилиш ва йиққан сўзларини муомалага киритиш машқидир. Бизда пул муомаласи деган тушунча бор, у ҳақда кўп ўйлаймиз. Лекин, сўз муомаласи ҳақида ўйламаймиз. Аслида эса, пул ҳам, сўз ҳам бойлик. Пул — моддий бойлик, сўз эса, маънавий бойликдир. Маълумки, пул муомалага киритилмаса, кўпаймайди, қадрсизланади, жамғарма бойимайди. Сўз ҳам муомала билан тирик. Инсон сўз жамғармасини муомалага киритмас экан, у ўлиб, йўқ бўлиб кетишга маҳкум бойликдир. Аксинча, сўз бойлигини тинимсиз истифода этиш, иншо ва ижод машқи билан муттасил шуғулланиш фақат бир кишининг сўз жамғармасинигина эмас, балки, миллий тил хазинасини бойитадиган омилдир. Сўз муомалада ўз-ўзидан кўпаядиган, туғадиган товарга айланади. Ёзувчи ёзма машқларида сўзнинг янгидан-янги маъно ифодалаш имкониятларини излаб топади ва амалда қўллайди. Унинг услубида сўз ва ифода танқислиги умуман учрамайди. Оддий нотиқ бир сўзни доимо бир маънода қўлласа, ёзма машқи кучли бўлган нотиқ бир сўзни ўн хил маъно товланишларида қўллаши мумкин. Иншо машқида тобланган нотиқ гапираётган чоғида ифодаламоқчи бўлган фикрига сўз излаб, муносиб сўзни тополмай қийналмайди. Чунки ёзма машқлар мобайнида унинг хотираси айтилмоқчи фикр туғилиши билан, унинг ифодаси учун зарур сўзни дарҳол ва аниқ топиб беришга компютердек мослашган бўлади. Ҳатто, нутқ жараёнида бундай нотиқнинг хотирасида керакли сўзлар маънодошлар қатори билан автомат магазинидаги ўқлардек тайёр тизилиб туради. Нотиқ улардан энг муносибини яшин тезлигида танлаб

Давоми иккинчи бетда

*Чўлпоннинг 100 йиллиги*

**МИРМУҲСИН,**
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

## ЧЎЛПОН—ТОНГ ЮЛДУЗИ

Осмон тўла юлдузлар... Улар милтиллаб кўрингани билан ҳар бирининг ғоятда буюклиги Тангри таологa маълум, бутун мавжудотни ўзи яратган, ўзининг измидадир. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон гўзал водий фарзанди, асли Андижоннинг Қатортерак маҳалласида таваллуд топган, кейинчалик Тошкентга келиб, ўқиб, ижод этиб, адабиётимиз осмонида яркиради, Абдулла Қодирий, Фитрат, Таваллою Ғафур Ғулом, Уйғун, Усмон Носир, Миртемир, Шайхзодалар билан янги замон адабиётини бошлаб бердилар.

Тонг юлдузи Чўлпон дарҳақиқат ўз қалами ила янги адабиётнинг юлдузи бўлди, яратди, аммо шахсга сиғиниш қурбони бўлиб кетди. Минг тўққиз юз ўттиз олтинчи йилларда гарчи кучли таъқиб шоир Чўлпонга қарши авж олиб, вақтли матбуотда «буржуа миллатчи...», «йиғлоқи-пессимист шоир...» деган гаплар авж олиб турганига қарамай, унинг иродаси букилган, халқ дардидан ажралмаган бир даврда, бизлар бир тўда ёш толиби илм, ёш ҳаваскор қаламкашлар ҳурматли муаллимимиз Самад Аҳмадий бошчилигида ТошМИ касалхонасига, профессор Слоним клиникасига бориб, тўртта кулча, узуму олма, нок олиб, у ерда хаста ётган шоир Чўлпонни кўриб келган эдик. У зот билан бир муддат адабиёт ҳақида суҳбатлашиб, негадир руҳи пастроқ шоир мактаб талабалари даврасида хурсанд бўлиб чақнагани ҳамон ёдимда. Бир лаҳза бўлса ҳам қамалиш-таъқиб ваҳшатини унутгандек бўлган эди. Сочи қирилган, кўзойнакли, салмоқланиб гапирадиган шоир ўша йили «Соз» деган китоби нашр этилганини бизга маълум этиб, кўрсатди. Эски Жўвадаги китоб магазинида сотиларди. Унинг эл ичида машҳурлиги, тилдан тилга ўтиб тургани, тенги йўқ шоир экани... биз қаламкашлар орасида ҳам катта таъсир кучга эга эди. Менинг тоғам Собиржон Содиқов унинг ошноси экани, шеъриятга ишқибозлиги, ҳатто бир ўғлининг номини Чўлпон қўйгани ҳам халқ эътиқодидан дарак. Жияним Чўлпон ҳозир уста кулол ва рассомлар уюшмасининг аъзоси. Каминанинг Чўлпон ижодиётига қизиқиши, ижод йўлига киришимда бу буюк кимсанинг қалби ўша вақтдаги биз ёшларни оҳанрабодек тортгани сабабларидан бири бўлса керак.

Чўлпоннинг «Тонг сирлари», «Уйғониш» ва «Булоқлар» китоби ўзбек шеъриятида янги даврни бошлади, кейинчалик «Соз» китоби нашр этилди. «Булоқлар»даги «Шарқ учун», «Сезгилар», «Қор қўйнида лола»,»Севги», «Қора йўллар» бўлимлари ҳар бири ўзи бир китоб эди. Йигирманчи йиллар бошидаёқ Пушкин, Назрул Ислом, Муҳаммад Иқбол, Р. Тагор, Есенин шеърларидан қолишмасди, десам хато бўлмайди. Чўлпон Рабиндранат Тагор ва Эми Сяо шеърларини ўзбек тилига таржима этган. В. Шекспирнинг «Ҳамлет» фожиаси таржимасидаги «Ё ўлиш, ё қолиш» монологи унутилмас қадрдонимиз, буюк Аброр Ҳидоятов учун тўҳфа—зўр таржима этилган эди. Чўлпон қамалганидан кейин «Ҳамлет»нинг уч-тўрт янги таржималари пайдо бўлди, лекин ҳеч бири ҳам маҳорат юзасидан Чўлпон таржимасига етолмади. Чўлпон «Ҳамлет»ни ўз асаридек севиб, меъёрига етказиб таржима этган. «Дубровский», «Борис Годунов» песаларини, «Она» романларини ҳам аъло таржима этган...

«Кеча ва кундуз» Чўлпоннинг йирик насрий асаридир. Буюк шоир шахсга сиғиниш курбони бўлмаганида адабиётимизда унинг қаламига мансуб қанчадан-қанча романлар яратилган бўларди, буюк асарлар унинг жисми жонида тупроққа кетди.

Дунёга Бобур Мирзодек, Ал-Фарғонийдек Андижон, яъни гўзал водий шаҳарлари Хўқанду Наманган, Аҳсикенту Марғилон, Ўшу Чуст, Шаҳрихону ва бошқа гўзал шаҳарлар, Шоҳ Машрабу Муқимий, Фурқату Ҳамза, Завқию Чархий, Боқий домлаларни берди. Чўлпонни ҳам берди. Лекин ёш шоирга Тошкент оналик қилди, бу ерда у камол топди, дунёни, ҳақиқатни англади, аммо минг афсус, шахсга сиғиниш қурбони бўлди.

Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз», А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар», С. Айнийнинг «Қуллар», Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навоий», Ғафур Ғуломнинг «Шум бола» — монументал асарларни асло унутмаслигимиз керак, улар давр синовларидан ўтган. Навоий «Хамса»си ва бошқа асарлар ҳам Абу Саид Султон, Ҳусайн Бойқаро ва бошқа султонлар давридан ўтганидек, Чўлпон ва унинг асарлари беғубор ўзбек осмонида ёруғ юлдуз монанд яркираб турибди, халқимизга ғуруру файз бахш этмоқда.

Буюк шоирни камситолмадилар, ўлдиролмадилар, у абадиятга кирди, у халқи билан бирга, адабиётимиз осмонида тонг юлдузидек яркираб турибди.



**«Кўп гапиришни ёқтирмайман»**

5-бет

## ДИЛБАР НАВО КЕЗАДИ АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА...

Бу йил андижонликларнинг чинакамига омади келди. Аниқроғи, самарали, машаққатли меҳнатлари натижаси ўлароқ қишлоқ хўжалигининг деярли барча соҳаларида режалар барвақт бажарилди, пахтадан, ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Айни кунларда вилоят деҳқонлари ерларни сифатли шудгорлаш, ўғитлаш, келгуси йил ҳосили учун замин ҳозирлаш билан банд.

Инсон, ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани қатори, зироатчиликда ҳам илмий, ижодий изланиш бир зум бўлса-да тўхтамаслиги керак. Буни яхши англаган андижонликлар илғор тажрибаларни, замонавий технологияни бошқалардан кўра аввалроқ қўлладилар, мустақил хўжалик юритиш имкониятларидан унумли фойдалана билдилар.

Ҳар йилгидек, бу сафар ҳам вилоят аҳли йиғим-терим кунлари пахтакорларга мадад қўлларини чўзди. Пахтакорнинг йиллик даромади пахтадан келадиган фойдага бевосита боғлиқ эканлиги эндиликда ҳаммага ойдай равшан. Шундай экан, деҳқоннинг ўзи ҳам, ҳашарга чиқадиган теримчилар ҳам асосий эътиборни етиштирилган ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олишга қаратдилар.

Ўтган ҳафтада «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмасининг етакчи санъаткорларидан — Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов, хушовоз хонанда Марям Сатторова ҳамда Абдуҳошим Исмоилов, Ўткир Сиддиқов, устоз хонанда Комилжон Отаниёзов хотирасига бағишланган ёш ижрочиларнинг биринчи республика кўрик-танлови ғолиби Зарифжон Азизов ва бошқалар вилоятнинг Шаҳрихон, Қўрғонтепа, Улуғнор туманлари ҳамда Хонобод шаҳри меҳнаткашлари ҳузурида бўлиб, пахтакорларни янги-янги куй-қўшиқлари билан хушнуд этишди.

**Ўз ахборотимиз**

## МАНЗИЛ САРИ

*Мамлакатимиз пахтакорлари тобора манзил сари яқинлашиб бормоқда. Хоразм ва андижонликлардан сўнг Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари деҳқонлари ҳам йиллик режаларини уддаладилар. Республикамиз Президенти Ислом Каримов бу икки вилоят пахтакорларини зафар билан қутлади.*

*Республикамизда йиллик режаларини уддалаган туманлар, хўжаликлар сони ҳам тобора кўпайиб бормоқда. Наманган тумани шулар қаторидан жой олганига ўн кундан ошди. Туман пахтакорларининг бундай ютуққа эришувида «Ўзбекистон» ва «Олти қаҳрамон» жамоа хўжаликлари катта ҳисса қўшишди. Бу хўжаликларда ҳар гектар ерда 36—44 центнердан оқ олтин етиштирилди.*

**СУРАТЛАРДА: Наманган тумани пахтакорлари ҳаётидан лавҳалар. Турғунбой МАҲКАМОВ суратлари**



## МУХЛИСЛАР ҲУЗУРИДА

Ҳафталигимиз ижодий жамоаси шу кунларда жойларда газета ўқувчилари, муштарийлар билан жорий йилда амалга оширилган ишлар, келгуси йилнинг ижодий режалари тўғрисида қизиқарли учрашувлар ўтказмоқдалар. Ҳосил йиғим-теримини муваффақиятли якунлаётган Андижон вилоятининг Қўрғонтепа туманида бўлиб ўтган учрашувда газета бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев йиғилганларга ҳафталик ижодкорларининг бундан буёнги режалари, оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифалар тўғрисида батафсил сўзлаб берди.

Худди шундай учрашувлар қўшни Жалолобод шаҳрида, Сузоқ туманидаги 2-мактабда ҳам бўлиб ўтди. Учрашувга ташриф буюрган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов, шоирлар Турсунбой Адашбоев, Ёқубжон Хўжамбердиев ўз мухлисларига ёзган янги асарларидан парчалар ўқиб бердилар.

Бундай учрашувлар Андижон шаҳри ва Шаҳрихон туманларида ҳам бўлиб ўтди. Уларда газетхонлар ҳафталик саҳифаларида эълон қилинаётган мақолалар, кўтарилаётган муаммолар юзасидан ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар. Ва, шу билан бирга, газеталар вилоятларга бироз кечикиб келаётганини ҳам эътироф этдилар.

**Ўз ахборотимиз**

## ОНА ЮРТ СОҒИНЧИ

Инсон умрини оқар дарёга қиёслашади. Фақат шуниси борки, оққан дарё оқаверади, тиним билмайди. Инсон умри эса қайдадир тўхтаб ҳам қолиши мумкин. Қай нуқтасидадир сокинлашиши, қайдадир қайнаб-тошиши ҳам мумкин. Умрни яна йил фаслларига ҳам менгзашади. Фақат шуниси борки, йил фасллари қайта-қайта айланиб келаверади. Инсон умри фасллари эса... Йўқ инсон умрини ҳеч нарсага ўхшатиш мумкин эмас. Ҳар бир умр такрорланмас, ўзига хос ва шу билан бирга муқаддасдир. Яратган имкон берса, ҳар бир инсон умрининг шундай бир вақтига етиб келадики, шунда у тўхтаб, ортига ўгрилади, атрофига қарайди, ўзини-ўзи имтиҳон қилади.

Мусаввир Рустам Худойберганов ана шундай 50 ёш ҳаяжони, масъулиятини бошидан кечирмоқда. Ўзбекистон Бадиий академиясининг мўъжаз кўргазмалар залида асарлари намойиши тантанали суратда очилди. Табриклар, қутловлар, олқишлар санъаткор қадр-қиммати, обрў-эътиборидан дарак беради.

Давоми бешинчи бетда







## КУТУБХОНА—ЗИЁХОНА

Пойтахтимизнинг Сирғали туманидаги Жаҳон Обидова номидаги кутубхоналар тизимининг 6-кутубхонасида кўпгина ибратли тадбирлар ўтказиб турилади. Бу кутубхона қошида маҳаллалар хотин-қизларининг «Гулшан» клуби салкам 10 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Клубга «Маданият» маҳалласи хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилором Бекназарова раҳбарлик қилади.

Куни кеча ана шу кутубхонада Президент И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари, тараққиёт кафолатлари» номли китоби бўйича китобхонлар конференцияси ўтказилди. Унда Тошкент Техника университетининг доценти Мухтор Бўрихўжаев, тарих ўқитувчилари Муяссархон Солиева, Наимахон Рашидова, Марказий кутубхона услубиётчилари Ирина Розинова, Нигора Орифжонова сўзга чиқиб, китоб юзасидан ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шунингдек, китобхонларнинг саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

Китобхонлар учун «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Президент қарорлари амалда», «Жасоратли шоир Чўлпон», «Машҳур ҳикоянавис Абдулла Қаҳҳор» деб номланган кўргазмалар ташкил қилинди. Шунингдек, яқинда ўтказилган Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган оғзаки журнал ҳам китобхонларда катта таассурот қолдирди.

**Мукаррамхон ФОЗИЛОВА,**
**кутубхона мудираси**

***Маданиятимиз, тарихимиз — бизнинг энг катта, кўз қорачиғидек асрайдиган бойлигимиз. Улар ҳеч қачон эскирмайди, инқирозга юз тутмайди, яроқсиз ҳолга келмайди. Улар одамни, жамиятни маънан ёшартириб турадиган бебаҳо неъматдир...***

***И. А. КАРИМОВ***

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

# «ИМЛА»ДАН «ШЎРАВИЙ»ГАЧА

Тарихий манбаларга қараганда, Бухоро мадрасаларининг илдизлари X асрга бориб тақалади. Унга қадар эса, мусулмон Шарқининг маълум ва машҳур йирик шаҳарларида бўлгани каби бу ердаги масжидларда ҳам зиёлилар томонидан фиқҳ ва бошқа масалалар бўйича маърузалар, яъни «имла»лар ўқилган. Кейинроқ кундалик турмушга машғулотлар тузилишидаги ўзгаришларга дахлдор тушунтириш атамаси — «тадрис» кириб келади. У турли баҳс ва тортишувларга бой бўлгани, қолаверса, йирик олимларнинг маърузаларини тинглаш ҳамда мунозараларда қатнашиш иштиёқида кўплаб жойлардан илм ташналари кела бошлагани туфайли масжидлар уларни ўз бағрига сиғдиролмай қолади. Натижада махсус илм даргоҳлари — мадрасалар очиш зарурати туғилади.

«Мадраса» арабча сўз бўлиб, ўзбек тилида «билимгоҳ», «ўқиш жойи» деган маъноларни англатади. Академик В. В. Бартолднинг аниқлашича, Бухородаги «Мадрасаи Форжак» манбаларда қайд этилган энг биринчи мадрасадир. У 937 йили шаҳарда содир бўлган ёнғиндан жиддий зарар кўради. Бу ҳақда Абу Бакр Муҳаммад Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асарида алоҳида қайд этиб ўтган.

В. В. Бартолд мадрасаларнинг дастлаб Бухорода, сўнгра мусулмон дунёсининг Эрон, Ироқ, Сурия, Кичик Осиё, Миср ва бошқа ўлкаларда пайдо бўлиши сабабини ислом дини айнан шу заминда зардуштийлик ва буддизмнинг кучли таъсирига тўқнаш келгани, диний ғоялар ўртасидаги кучли рақобат исломни тарғиб қилувчи малакали даъватчиларни тайёрловчи олий мактабларга эҳтиёжни кучайтириб юборгани билан изоҳлайди. Бу фикрни А. Мец, К. Е. Бендриков, Ш. Исмоилов, Р. Шамсутдинов, Б. Расулов сингари олимлар ҳам тасдиқлайдилар.

Тарихий маълумотлар Бухоро мадрасалари уларни қурдирган ва маблағ билан таъминлаб турган кишиларга қараб уч тоифага ажратилганидан далолат беради:

**1. ХОН МАДРАСАЛАРИ.** Хонлар, уларнинг оила аъзолари, сарой амалдорлари томонидан асосан пойтахтда қурдирилган йирик мадрасалар. Уларнинг вақф мулки ва даромади катталиги боис талабалари ҳам кўп бўлган.

**2. ЭШОН МАДРАСАЛАРИ.** Исломий тасаввуф тариқатининг раҳнамолари ҳисобланган эшонлар, пирлар, шайхлар томонидан қурдирилган катта мадрасалар бўлиб, муридларнинг хайр-эҳсонлари ва меҳнати эвазига қад ростлаган.

**3. ХУСУСИЙ МАДРАСАЛАР.** Улар кўпчиликни ташкил қилувчи йирик ер эгалари, савдогарлар, бадавлат кишилар томонидан, кўпроқ ҳашар йўли билан савоб ва обрў орттириш ёки яхши ном қолдириш мақсадида барпо этилган.

Мадрасаларга одатда асосчиларининг номлари берилган. Баъзилари жойлашган қишлоғи номи билан аталган. Аксарияти чорсу шаклида бўлиб, теварак-атрофи девор билан ўралган. Ҳужраларида талабалар, айрим ҳолларда мударрис ва мутаваллилар истиқомат қилишган. Бундан ташқари, иморат таркибида бир ёки бир неча дарсхона, кутубхона, масжид, таҳоратхона, ҳатто баъзиларининг ташқарисида ҳаммом ҳам бўлган. Олд ўриндаги икки бурчагида, баъзиларининг тўртала бурчагида ҳам кичик гумбазлар қад кўтариб турган мадрасаларда баланд миноралар қурилган.

Мадрасалар бошқа иншоотлардан ўз жозибадорлиги билан ажралиб туриши учун деворлари ва пештоқлари нақшлар, кошинлар воситасида безатилган. Қуръони Карим оятлари араб ёзувидан моҳирона фойдаланилган ҳолда кўчириб ёзилган. Бинонинг барча эшик ва деразалари ҳовли ичкарисига қаратиб ўрнатилган. Ташқарига фақат дарвозахона орқали чиқилган. Бу талабаларнинг чалғимай, самарали таълим-тарбия олишларини ва илм-фан билан шуғулланишларини таъминлаш мақсадида қилинган бўлиши мумкин.

Тарихчи Наршахийнинг ёзишича, Бухоро илк мадрасалар пайдо бўлган Сомонийлар ҳукмронлиги даврида Ислом динининг, яъни ўз замонаси энг илғор илмининг «қибласи»га айланган. Бу даврда шаҳарда дунёвий билимлар юксак даражада тараққий этган. Негаки, мадрасаларда сабоқ мусулмон дунёси учун халқаро тил ҳисобланган араб тилида олиб борилган, шу боис бу ерда энг илғор зиёлилар тўпланишган. Сомонийлар бутун Шарқдаги тенгсиз ўнта кутубхонадан иккитасига эга бўлишган. Уларнинг эшиклари илм толиблари учун ҳамиша очиқ турган. Ҳукмдорлар илм-фан тараққиёти учун зарур шароитларни яратиб беришган.

Ўша давр мадрасаларида фанларни ўқитиш хусусий дарс ўтиш кўринишида бўлган. Ўз замонасининг йирик олимлари, жумладан, Ибн Сино ҳам, ёшларга сабоқ бериш учун вақт ажратганлар. Ўша замонлардаёқ фанларни ўқитишни касб қилиб олган кишилар бўлган. Носир Хисравнинг ёзишича, бир ўқитувчи билан суҳбатлашганда, у ўзини Ибн Синонинг шогирди деб таништирган. Бу ўқитувчининг анчагина шогирдлари бўлиб, айримлари Эвклидни ўқиган, аниқроғи, геометрия билан шуғулланганлар, бошқалари тиббий китобларни ёхуд алжабрни ўрганганлар.

Бухоро мадрасаларида таҳсил кўрган талабалар орасидан жаҳон фани ва маданияти ривожига муносиб улуш қўшган, ўлмас асарлари билан юртимиз номини буюкликка кўтарган алломалар етишиб чиққанлар. «Ҳадис илмининг амири» Имом Исмоил ал-Бухорий, Аристотелдан кейинги «Иккинчи муаллим» деб тан олинган файласуф Абу Наср Форобий, жаҳон тиб илмининг асосчиси сифатида эътироф этилган қомусий олим Абу Али ибн Сино ана шундай улуғ зотлар жумласидандирлар.

Марказий Осиё мўғул истилочилари томонидан босиб олингач, Бухоро мадрасалари маълум муддат таназзулга учрайди. Уларнинг мавқеи бобокалонимиз Амир Темур даврида яна қайтадан тикланади. Ҳ. Вамберининг таъкидлашича, «Қудратли Темур давлати даврида жуда кўплаб мадрасалар таъсис этилди, улар хайр-саховат туфайли кенг миқёсда тараққий этди». Соҳибқироннинг: «Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат аҳкомлари ва ислом дини илмлари: тасниф, ҳадис, фиқҳдан дарс берсинлар, деб ҳар шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим» деган сўзлари, унинг ўз салтанатида ҳуқуқий-демократик давлат қуришга интилганлигига яққол исботдир. Бу саъй-ҳаракатлар Бухоро мадрасалари ўқув дастурида ҳуқуқий фанларни ўқитишга эътибор кучайишига олиб келди.

Маърифатпарвар ҳукмдор ва олим Мирзо Улуғбек салтанатни бошқарган йилларда Моварооуннаҳрда илмий соҳада катта ютуқларга эришилди. Бу маънавий юксалишдан Бухоро ҳам бебаҳра қолмади. Улуғбек Самарқанд билан бир қаторда Бухоро ва Ғиждувонда мадрасалар қурдирди. Унинг Бухорода барпо этган мадрасаси 80 ҳужрадан иборат бўлиб, ўқувчи-талабалар йилига 312 тилло вазифа (стипендия) билан таъминланганлар.

Темурийлардан сўнг Мовароуннаҳр ҳукмронлигини қўлга киритган Шайбонийхон ҳам Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда янги масжид-мадрасалар бунёд этишга жиддий эътибор берган. Чунончи, Бухорода Кўкалдош, Мир Араб, Машраб, Абдуллахон мадрасаларини қурдирган. Бу янглиғ мадрасалар бир томондан жаҳон меъморчилигининг ноёб намуналари бўлса, иккинчи томондан олий таълим марказлари ҳисобланган. Талабаларга барча зарур шароитлар яратиб берилган. То амирлик тугатилгунга қадар табиий фанларга нисбатан ижтимоий фанларни, асосан фиқҳ ва фалсафани ўқитиш устунлик қилган. Бу хусусият, айниқса, Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида (1800—1827 йиллар) яққол кўзга ташланган. Мадрасалардаги маърифий ишларнинг бошида шахсан амирнинг ўзи турган. Пойтахтда бўлган кунлари уламоларни йиғиб, илмий суҳбатлар уюштирган. Талабалар гуруҳ-гуруҳ бўлиб Аркка чиқиб, ундан сабоқ олганлар. Бу ҳақдаги овозалар бутун чор-атрофга тарқалиб, илм толиблари Бухорога оқиб кела бошлашган.

Мухтасар қилиб айтганда, Шайбонийгача бўлган давр мобайнида ҳам амалий, ҳам ижтимоий фанлар тараққиётига баробар имкониятлар яратилган. XVII асрдан XIX асргача эса ижтимоий соҳага устуворлик берилиб, табиий-амалий фанларни ўқитиш иккинчи ўринга тушиб қолган. Бухоро мадрасалари зиёлилари бу борада йўл қўйилган хатоларни мусулмон шарқида биринчилардан бўлиб англадилар. Шу боис XIX аср бошларидаёқ мадраса таълимини исломга кейинчалик кириб қолган ортиқча бидъатлардан тозалаш, дастлабки ҳолига қайтариш ғояси билан чиқдилар. Ислоҳотчилик ҳаракатининг асосчиси мадраса мударриси, исломшунос олим Абу Носир ал-Курсавий бўлди. У ва унинг издошлари ислом динига кейинчалик кириб қолган мистик шаклларга қарши чиқиб, мадраса-мактабларда «усули жадид»ни жорий этишга интилдилар. Масалан, ислоҳотчи Маржонийнинг дастурида Қуръондаги ҳар қандай диний масалани кишилар тушунган ҳолда ўзлари эркин фикр юритиш орқали ўзлаштиришлари жоизлиги, бировнинг бировга кўр-кўрона эргашишини қатъиян ман қилиш, мадрасаларда ўқитиладиган айрим ортиқча ҳошия ва шарҳларни дарс жадвалларидан олиб ташлаб, Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва уларнинг таржималарини ҳамда ислом тарихини ўқитиш, арифметика, тарих, жўғрофия, табобат, ҳандаса, мантиқ, фалсафа ва бошқа дунёвий фанлардан бериладиган сабоқларни кенгайтириш, мусулмончиликни пайғамбар давридаги қадимги ислом маданиятига қайтариш кўзда тутилган эди. Аммо қадимий услубда ўқитиш тарафдорлари ҳамда уларнинг таъсири остида бўлган Бухоро амири бундай ислоҳотчилик ғояларининг кенг тарқалишига ва амалиётда қўлланилишига имкон бермадилар. Шунга қарамай, бошланган ҳаракат изсиз кетмади. XIX асрнинг 50—60-йилларида Аҳмад Дониш, Мулла Каромат Дилкаш, Муҳаммад Солиҳ, Мулла Искандар, Қорикамол, Мирза Зуҳар, Мулла Абдулло, Шамсуддин Шоҳий, Музтариб, Мир Отахон каби илғор зиёлилар ислоҳотчилик ғояларини халқ орасида тарғиб-ташвиқ қилдилар. Бу қарашлар Аҳмад Донишнинг «Наводир-ул вақоъе» («Нодир воқеалар») асарида ўз аксини топди.

XIX аср охири ва XX аср бошларида Бухорода фаолият кўрсатган жадидлар — Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат, Абдувоҳид Бурҳон ўғли, Усмонхўжа ўғли Жўрабой кабилар ўзларидан олдинги ислоҳотчилар ғояларини тарғиб қилибгина қолмай, амалиётда қўллашга ҳам ҳаракат қилдилар. Уларнинг интилишлари Бухорода шўролар ҳукумати ўрнатилгунга қадар давом этди. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, давлат тўнтириши арафасида ҳам Бухорода янги мадрасалар бино этишга, уларда таълим олувчиларни моддий жиҳатдан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Буни амир Саид Олимхон ёзиб қолдирган хотиралардан ҳам билса бўлади. Унда жумладан шундай дейилади:

«Бухоро минорасининг пастки қисмида, бозорнинг ички томонида ўз номимдан Дорул-улум — Билим уйи бўлган бир мадраса қурдирдим, ҳар хил илмлардан дарс берувчи муаллимлар тайин этдим. Мазкур мадрасада истиқомат қиладиган талабаларнинг сарф-харажатлари, маоши ва кийим-кечаги ҳам ўз тарафимдан белгиланиб, унга бир нафар нозир тайин этдим. Уларнинг емак-ичмак, маош ва кийим-кечакларини муайян бир вақтда етказдирардим».

1841 йилда Бухорода бўлган рус шарқшуноси Н. Ханиковнинг айтишига қараганда, Бухорода 60 та мадраса фаолият кўрсатган. Уларда 9 мингдан 10 минггача талаба ўқиган. А. Фитрат эса XX аср бошларида икки юзга яқин мадраса бўлганини таъкидлайди. Улар ўз вақф мулки билан таъминланишига кўра олий, ўрта ва ибтидоий тоифага ажратилган. Олий тоифадаги мадрасалар 34 та бўлиб, умумий вақф мулки миқдори 2.815.000 тангани ташкил қилган. Ўрта тоифадаги мадрасалар 39 та, жами вақф мулки миқдори 961.000 танга бўлган. Ибтидоий тоифага мансуб мадрасалар эса юздан ортиб, умумий вақф мулки миқдори 500.000 тангага етган.

XX аср бошларида Бухоро мадрасаларида ўқувчи талабаларга қандай имкониятлар яратиб берилгани А. Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи қиссаси»да келтирилган, Кўкалдош мадрасасига тааллуқли қуйидаги маълумотларда ўз ифодасини топган:

«Кўкалдош мадрасасининг бир юз қирқ ҳужраси бор. Дарсхона, кутубхона, умумий таомхонаси ҳам мавжуд. Йиллик вақф даромадининг миқдори бир юз эллик минг танга бўлиб, ҳар йили минг тангаси кутубхонага берилади. Йигирма тўрт минг тангани мударрислар оладилар. Қолган қисми эса имом, сўфи, фаррош, мешкоб, сартарош ва ҳужраларда эгалари ўртасида тақсимланади».

Юқорида келтирилган далил-исботлардан кўриниб турибдики, Бухоро мадрасалари асрлар оша илм-маърифат масканн вазифасини ўтаган, инсоният тараққиёти учун хизмат қилиб келган. Бироқ амирликда собиқ шўро ҳукумати қарор топгач, бу зиё масканлари ўзида мужассамлашган барча миллий ва умуминсоний қадриятлар мажмуи билан биргаликда «эскилик сарқити» сифатида тугатилди. Бизнингча, жумҳуриятимиз мустақиллик йўлидан дадил бораётган бугунги кунларда Бухоро мадрасалари тарихини чуқур ўрганиш, уларнинг ижобий жиҳатларини замонавий таълим-тарбия тизимига тадбиқ этиш фойдадан холи бўлмайди.

**Гулнор ал-ФАРҒОНИЙ,**
**ЎзФА Тарих институти кичик илмий ходими**

**Боши биринчи бетда**

# ИНШО — ТАФАККУР МЕЗОНИ

ишлатади. Ёзма малакаси бўлмаган нотиқнинг эса сўз жамғармаси камбағал, хотираси паришон бўлади. У сўзлаётганда керакли сўзни тополмай қийналади. Чунки мия, хотира шунга мослашмаган. Керакли сўзни нутқ жараёнида излаш бефойда. Бефойдагина эмас, бундай уриниш нотиққа ҳам, нутққа ҳам, тингловчиларга ҳам зарар келтиради. Нотиқ шошилинч изланаркан, ҳаяжонланади, довдирайди. «Ҳалиги», «Ҳалигини сингари», «нима эди?», «нима десам экан?», «демоқчиманки», «...э-э-э», «...э-э-э» каби нутқий ортиқчаликлар шундан келиб чиқади. Нутқнинг сифати бузилади, таъсирчанлиги пасаяди, нотиқнинг обрўйи тушади, тингловчилар аудиторияси совийди. Бундай нотиқ кўпинча фикрига, маъно, мазмун айнан мос бўлмаган сўз-ифодани таваккалига ишлатиб юборади. Натижада, нутқ мавҳум чиқади, ахборот аниқлиги йўқолади, нотиқ тингловчиларни ишонтиролмайди. Чунки унинг ўзи ҳам фикрини аниқ ифодалаётганига ишонмайди. Нотиқлик маҳорати — маъно ифодалашда нишонга бехато уриш санъати. Фикрга мос ифодани ўз вақтида топиб қўлламаган нотиқ мўлжалдан, албатта, адашади.

Нотиқлик санъати ҳам нафис санъат турларига киради. Нафис нотиқлик санъатини иншо машқлари тарбиялайди. Ёзиш мобайнида сўз, ифодаларнинг нафисдан-да нафис муқобиллари танланади. Ёзиш маҳоратини эгаллаган нотиқлар нутқида чапани сўзлар, маънавий зуғум ва зўравонлик тамойиллари асло учрамайди. Бундай нотиқларнинг нутқи ўзининг нафосати билан тингловчиларни ром этади. Моҳир нотиқ сўзининг таъсир кучи ҳар қандай дўқ-пўписа оҳангларидан ўткирроқ бўлади.

Нутқдаги мантиқий изчиллик ҳам иншо машқлари самарасидир. Иншо машқларида маҳорат қозонмаган нотиқ қаердан кириб, қаердан чиқишини билмайди. Унинг нутқи пароканда бўлади. Гарчи у сўзамол бўлсин, ўзига хос фикрлайдиган бўлсин, ахборот ва маълумотларга бой бўлсин, иншо санъатидаги мантиқий изчиллик қоидасига риоя қилмас экан, нутқи пала-партиш чиқади. Фикр ва ахборотларнинг бири ашриқдан келса, бири машриқдан келади. Сўз, ифодалари ҳам бир-бирига қовушмай, пойинтар-сойинтар бўлади. Мантиқий изчиллик тарбияси миллий тафаккур тарзини шакллантиради. Миллий тафаккур тарзимиз эса минг йиллик иншо санъати, нутқ одоби қонун-қоидаларига таянади.

Умумлаштириш нодир қобилиятдир. Бундай қобилиятни ҳамма ҳам ўзида шакллантира олмайди. Ҳатто, кўпчилик илм заҳматкашлари, ақлий салоҳият соҳиблари илмий ҳақиқатларни эринмасдан, синчковлик билан излайдилар, ҳайратомуз далиллар, маълумотларни аниқлайдилар, йиғадилар, қилни қирқ ёрадилар, лекин улар асосида кашфиётлар яратишга, умумлашма-хулосалар чиқаришга, қонуниятлар кашф этишга келганда, дар қоладилар. Улар таҳлил этадилар, аммо тадқиқ этолмайдилар. Улар олим, санъаткор бўлиб етишадилар, фанга адабиёт ва санъатга, жамиятга, шубҳасиз, катта фойда етказадилар. Аммо, аллома, кашфиётчи мутафаккир даражасига кўтарила олмайдилар. Албатта, бундай истеъдод ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Лекин инсонда умумлаштириш қобилияти нишоналари бўлса, уни ёшликдан тарбиялаб такомилига етказувчи омил иншо санъатидир.

Инсондаги саводхонликни узлуксиз назорат қилувчи ва тобора камол топтирувчи восита ҳам иншо, яъни ёзув машқларидир. Киши ҳар куни ёзар экан, табиий равишда, тил, имло, мантиқ қонун-қоидаларига, ахборот ва маълумот янгилиги ҳамда аниқлигига, шунингдек, кенг маънодаги саводхонликнинг бошқа шарт-шароитларига ҳар куни дуч келади. Ўз-ўзидан уларни тартибга солиб боради. Мунтасил ёзув ишлари жараёнида ўз саводсизлигини бутунлай тугатади.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганидан кейин рус мактабларида ўқиган фуқаролар ўзбек тилида иш юритишларига, шу тилда нутқ сўзлашларига тўғри келмоқда. Уларда русча фикрлаш малакаси шаклланиб қолган. Шунинг оқибатида, улар русча фикрлаб, ўзбекча гапиришга ҳаракат қиладилар. Нутқ ва тафаккур бир-бирига мувофиқ шаклланади. Инсоннинг тафаккур тарзи нутқда ва ёзувда реаллашади, моддийлашади. Русча тафаккур тарзи билан ўзбекча нутқ сўзлаш жуда қийин. Нотиқ ўз фикрини ифодалай олмай қийналади. Кутилган мақсадига эришолмайди. Иншога эътибор ҳозиргидек бўлса, рус мактабларида ўқиётган ёшлар келажакда шу кўйга тушади. Иншо машқлари кўпроқ шу тоифадаги фуқароларга зарур. Чунки, иншо миллий тафаккур тарзини тарбиялайди. Русийзабон фуқаролар ўзларида миллий тафаккур тарзини шакллантирмай туриб, ўзбек тилида иш юритишлари ва равон нутқ сўзлашлари қийин. Ўзга миллат вакили воқеликни ўзбекнинг тафаккур тарзи билан идрок этиб, ўзбекнинг кўзи билан кўра олгандагина, у чинакамига ўзбекча фикр юритиб, ўзбекча сўзлай бошлайди. Шунинг учун уларнинг таҳсилларида иншо машқлари ва синовларига катта эътибор берилиши керак. Бу уларда ўзбек тили билими ва малакасини эгаллашгина эмас, балки миллий тафаккур тарзи, маънавият ва маданият, ҳиссий ва руҳий оламни шакллантириш омили бўлади.

Жамоатчиликда иншо фақат тил ва адабиёт фанларига тааллуқли, деган янглиш тушунча мавжуд. Аслида, бу ижодий, фикрий, ақлий, маънавий камолотга тааллуқли ижтимоий муаммодир. Ўша тушунчадан келиб чиқиб, иншо машқлари синовлари фақат она тили ва адабиёт дарсларида ўтказилади. Олий ўқув юртларига кириш учун ҳам иншо имтиҳони она тили ва адабиёт фанларидан қабул қилинарди. Эндиликда, тест ва рейтинг тизимига ўтилганидан кейин, умумтаълим мактабларида иншога эътибор пасайди, олий ўқув юртларида эса иншо бўйича кириш имтиҳонлари олинмай қўйилди. Хўш, келажакда нима бўлади? Истеъдодларни қандай аниқлаймиз ва камол топтирамиз? Тўғри, ўқишга кириш осон бўлиб қолди. Бола тест саволларига жавобларни билса бўлди, ўқишга кириб кетяпти. Лекин, алданмаяпмизми? У ҳақиқий истеъдодми, билимдонми? Тест саволларига жавоблар жуда чегараланган ва механик равишда ўзлаштирилса бўладиган билим эмасми? Дарвоқе, баъзи ёшлар тест саволларига жавобларни ёдлаб олиб ҳам, тест имтиҳонларидан яхши ўтиб, ўқишга кириб кетяпти-ку! Шартнома тизими пул билан ўқишга киришни қонунийлаштириб қўймадими? Шартнома асосида тест синовларидан паст балл олган бола ўқишга кириб, шартномасиз ундан икки баробар юқори натижага эришган ҳақиқий истеъдод соҳиби қайтиб кетмаяптими? Бироорта синов иншонинг ўрнини боса олмайди. Иншо имтиҳонлари аниқлаб берадиган кўрсатгичлар барча соҳа мутахассислари учун зарурдир. Барча касблар ўз эгасидан ҳассос инсоний қалб ва теран тафаккур билан фаолият кўрсатишни талаб қилади. Бўлғуси мутахассис қиёфасидаги бу нозик қирраларни очиб берувчи асосий мезон эса иншо санъатидир.

Юқоридаги мушоҳадалардан келиб чиқиб, умумтаълим мактаблари таҳсилида, лицейларда, ўрта-махсус таълим тизимида иншо ва умуман, ёзма ишларга эътиборни кучайтириш; синфдан-синфга кўчиш, битириш имтиҳонлари таркибида иншони сақлаш ва олий ўқув юртларига қабул имтиҳонларида иншо бўйича алоҳида имтиҳон киритишни; шунингдек, янгиланган таълим асосида, фақат она тили ва адабиёти эмас, тарих, маънавият ҳамда бошқа соҳалар бўйича иншо синовлари ва машқлари методикасини ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

**Нусратулло Атоулло ўғли ЖУМАХЎЖА**



*Мутолаа*

# ҲУҚУҚИЙ АТАМАЛАРГА ТИШИМИЗ ЎТАДИМИ?

ИНСОН, АХЛОҚ ВА ҚОНУН

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуришнинг барча тамойиллари ривожланмоқда. Шу мақсадда бир қатор қонунлар қабул қилинмоқда. Уларда давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий асослари кўрсатилган бўлиб, фуқаро ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ўз ифодасини топмоқда. Уларда давлатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий асослари, фуқаро ва ташкилотнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кўрсатилган.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилиши табиий: хўш, катта меҳнатлар эвазига яратилаётган қонуний ҳужжатларимиз ҳаммага бирдай тушунарлими? Уларда қўлланган ҳуқуқий атамаларни қонуншунослар қатори фуқаролар ҳам осонликча англай оладиларми? Лўндароқ қилиб айтганда, қонунлар ким учун ёзилади — фақат ҳуқуқ идораларида ишлайдиганлар учунми ёки оддий халқ учун ҳамми?

Бизнингча, қонун амалиётда тўғри қўлланиши учун у аввало оддий фуқароларга тушунарли тилда ёзилмоғи лозим. Афсуски, ҳуқуқий атамаларнинг ҳаммаси ҳам бу талабга тўла жавоб бермайди. Бунинг маълум сабаблари бор. Биринчидан, 70 йил давомида ҳуқуқий атамалар фақат рус тилида қўлланилиб келди, қонунларни ўзбек тилида яратишга эҳтиёж ҳам сезилмади. Иккинчидан, баъзи атамаларни номланиши бўйича ҳуқуқшунослар ҳамон қатъий бир тўхтамга келганларича йўқ. Аксарият ҳолларда эса рус тилининг таъсир кучи сезилмоқда.

Бу камчиликни тузатишнинг энг мақбул йўли тушунилиши қийин бўлган атамаларнинг муқобилларини ўзбек тилининг ички имкониятларидан қидирмоқдан иборатдир. Масалан, рус тилидан ўзбек тилига кирган қуйидаги ҳуқуқий атамаларни бир неча хил изоҳлаш мумкин: коллегия — ҳайъат, маслаҳатчилар, авария — фалокат, шикаст, ҳалокат, беззаконие — қонунга риоя қилмаслик, қонунга хилоф ҳаракат ва ҳоказо.

Бироқ кўпинча русча ҳуқуқий атамаларнинг изоҳини беришда чалкашликларга ва ноаниқликларга йўл қўйилмоқда. Чунончи, «Юридик атамалар ва иборалар луғати» (Тошкент, «Адолат» нашриёти, 1993 йил)да шундай атамалар борки, уларни кўриб ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Фикримизнинг исботи учун бир неча мисол келтирамиз. Луғатда «акцизный сбор» — «эгри солиқ йиғими», «ветеран труда» — «меҳнат кайвонийси», «ветеринар» — «байтар», «суд присяжных» — «присяжнийлар (қасамхўрлар) суди» деб берилган. Бу ўринда «қасамхўр», «кайвоний», «байтар», «эгри солиқ» атамаларининг маъносини тушуниш ниҳоятда мушкул. Ҳолбуки, бизнингча, «присяжний» сўзи суд жараёнида ҳимоячилик ишига қасамёд билан киритилган шахслар маъносини англатиши керак. Лекин луғатда у «қасамхўрлар қасамёди» деб талқин этилган. Бу нотўғри. Чунки «қасамхўр» сўзи салбий маънога эга. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да у бўлар-бўлмасга қасам ичаверадиган, қасам ичиб ундан қайтаверадиган, қасамининг бурди йўқ инсонга нисбатан ишлатилиши айтилган. Шу нуқтаи назардан келиб чиқсак, бизда, «қасамхўр»ларга эҳтиёж йўқ.

«Эгри солиқ» эса ўз-ўзидан антоними бўлган «тўғри солиқ» терминини ёдга туширади. Бундан ташқари, «эгри» сўзи салбий маънони англатади. Ўзбек тилида «эгриқўл», «эгри иш», «эгри йўл» каби сўзлар борлиги ҳаммага маълум. Бинобарин, «эгри солиқ» атамасидаги «эгри» сўзи қандай ҳуқуқий атамани изоҳлаши бизга қоронғи.

Яна бир муаммо: айрим қонунларда узундан-узоқ жумлалар бор. Тушунилиши ва қўллаш ниҳоятда қийин. Шу сабабли кўп ҳолатларда қонунларга амал қилинмаяпти. Ҳуқуқшунос олимлар тўғри таъкидлаганларидек, қонунларнинг кўпинча амалда тўла бажарилмаслигининг асл сабабини шу ердан излаш керак. Масалан, юқорида тилга олинган изоҳли луғатда «Гражданский процессуальный кодекс» атамаси «Фуқаролик-муомала ишларини юритиш жараёни тўғрисидаги қонунлар мажмуаси», дейилган. «Правоспособность гражданская» атамаси эса «Фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқати» каби узундан-узоқ, мантиқий жиҳатдан ўзини оқламаган терминлар орқали берилган.

Ҳуқуқий атамашуносликни кузатиш шуни кўрсатадики, бугунги атамаларни ўзбекчалаштириш жараёни ақалли 30-йиллар даражасида ҳам эмас. Ўша кезларда «прокурор» атамаси — «муддаи умуми» ёки «қораловчи», «процессуальный кодекс», «тузук», «уголовный кодекс» — «жазо тузуги» тарзида ишлатилган. Ушбу атамаларни, бизнингча, эндиликда ҳуқуқий атамашуносликда қайта тиклаш вақти етди.

Улуғ аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўғли Ҳумоюндан келган мактуб жумлаларининг ниҳоятда мураккаблигидан ранжиб: «Хатингни худ ташвиш билан ўқиса бўладир. Бундан нари бетакаллуф ва равшан ва пок алфоз била бит, ҳам сенга ташвиши озроқ бўлур, ҳам ўқигучига», деб ёзган экан. Биз ҳам улуғ алломамизнинг насиҳатига амал қилсак, қонунларимизни ўзбек тили бойликлари ва анъаналаридан моҳирона фойдаланган ҳолда ёзсак, ўзимизга ҳам, халқимизга ҳам осон бўларди. Бунинг учун ўзбек ҳуқуқий атамашунослигини тартибга солиш, қонунчилик тили ва услубини бир меъёрга келтириш, шу асосда келажакда дунё андозаларига тўла жавоб берадиган қонунлар яратиш лозим. Ана шу мақсадда юридик олий ўқув юртларида қонунчилик техникасига ихтисослашган махсус факултетлар очилса, уларда қонун ёзиш илми ва унинг сирларини, таҳрир ишларини мукаммал эгаллаган ҳуқуқшунос-филологлар тайёрланса, фойдадан холи бўлмасди.

**Бухориддин МАМЕДОВ,**
**Тошкент Давлат юридик институти Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси мудири, филология фанлари доктори, профессор**

